

92 Ў-28

БОШ ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ

Абдужаббор АБДУВОҲИТОВ Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ Муроджон АМИНОВ Турғунпўлат ДАМИНОВ
Тўрабек ДОЛИМОВ Нёъматулла ИБРОҲИМОВ Беҳзод ЙЎЛДОШЕВ Наим КАРИМОВ Нажмиддин
КОМИЛОВ Жўра МУСАЕВ Элшод НАБИЕВ Абдулла ОРИПОВ Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ Хайриддин
СУЛТОНОВ Нурилом ТЎХЛИЕВ Даврон ШОРАҲМЕДОВ Рустам ШОҒУЛОМОВ Турсунали ҚЎЗИЕВ
Саидахор ҒУЛОМОВ Азим ҲОЖИЕВ Зухриддин ҲУСНИДДИНОВ

Ў__2_500100000__

358-2003

ISBN 5-89890-076-4

«Ўзбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003

ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ
ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

6

МИРИЙ - ПАРХИШ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти ТОШКЕНТ

ФАН СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШЛАРИ АЪЗОЛАРИ*

Адабиёт. Б. ВАЛИХЎЖАЕВ, Р. ИНОҒОМОВ, Т. МИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, О. ШАРАФИДДИНОВ, А. ХАЙИТМЕТОВ, И. ХАҚҚУЛОВ. Амалий ва тасвирий санъат. Н. АБДУЛЛАЕВ, Б. Ф. ЖАЛОЛОВ, А. А. ХАКИМОВ. Астрономия, геодезия ва космонавтика. С. П. ИЛЁСОВ, А. А. ЛАТИПОВ, М. М. МАМАДАЗИМОВ, К. Т. МИРТОЖИЕВА, Н. НИШОНБОЕВ, С. Н. НУРИТДИНОВ, И. САТТОРОВ. Биология. Ж. АЗИМОВ, О. АШУРМЕТОВ, О. МАВЛОНОВ, Ў. ПРАТОВ, Б. О. ТОШ-МУҲАМЕДОВ, Ж. Х. ХАМИДОВ. География, геология ва геофизика. Қ. Н. АБДУЛЛАБЕКОВ, Ш. А. АЗИМОВ, Х. А. АКБАРОВ, Б. О. БАҲРИДДИНОВ, О. БЎРИЕВ, Ш. С. ЗОКИРОВ, Б. А. ИСАҲОЖИЕВ, Т. МИРЗАЛИЕВ, И. М. МИРХЎЖАЕВ, Р. А. НИЁЗОВ, Ф. А. УСМОНОВ, Т. Ш. ШОЁҚУБОВ, А. А. ҚАЮМОВ, П. Н. ҒУЛОМОВ. Динтариhi. А. АЗИМОВ, М. ИМОМНАЗАРОВ, А. МАНСУРОВ, А. Қ. МЎМИНОВ, А. А. ХАСАНОВ. Жисмоний тарбия ва спорт. А. ИМОМХЎЖАЕВ, Т. С. УСМОНХЎЖАЕВ. Журналистика. Х. ДЎСТМУҲАММАД, А. МЕЛИБОЕВ, Т. ПИДАЕВ. Иқти-содиёт. С. САЛИМОВ, М. ШАРИФХЎЖАЕВ, Ш. ШОДМОНОВ, А. ЎЛМАСОВ, О. ХИКМАТОВ. Кимё. С. Н. АМИНОВ, М.АСҚАРОВ, Қ.АХМЕРОВ, Ф.ЙЎЛДОШЕВ, А.ЙЎЛЧИБОЕВ, Т.ОТАҚЎЗИЕВ, Н.ПАРПИЕВ, С.ХАМРОЕВ. Математика. Т.АЗЛАРОВ, А.АЪЗАМОВ, Ш.А.АЮПОВ, Ш.ЁРМУХАМЕДОВ, Т.ЖЎРАЕВ, М.САЛОХИДДИНОВ, А.САЪДУЛЛАЕВ, Б. ШОИМКҲУЛОВ, Ж.ХОЖИЕВ. Меъморлик. П. Ш. ЗОХИДОВ, Х. ПЎЛАТОВ, Э. В. РТВЕЛАДЗЕ. Мусиқа. Р. С. АБДУЛЛАЕВ, А.Ф.НАЗАРОВ, Р. Ю. ЮНУСОВ, Т. Б.ҒАФУРБЕКОВ. Педагогика. Й. АБДУЛЛАЕВ, Қ. ЙЎЛДОШЕВ, Д. Ш. ШОДИЕВ, К. ХОШИМОВ. Тарих. А. АСКАРОВ, О. БЎРИЕВ, Х. ДАДАБОЕВ, Х. ЖУМАНАЗАРОВ, А. ЗИЁЕВ, Х. ЗИЁЕВ, М. ИСҲОКОВ, А. Р. МУХАММАДЖОНОВ, Ш. ПИРИМКҲУЛОВ, Қ. РАЖАБОВ, Т. ҒИЁСОВ, Х. ҒУЛОМОВ. Театр, кино, цирк, хореография, балет.Т. БАЯНДИЕВ, Ж. ТЕШАБОЕВ, Т. ТУРСУНОВ, М. Х. ҚОДИРОВ. Техника. Ф. АБДУЛЛАЕВ, Э. ЁҚУБОВ, Р. ЗОХИДОВ, Т. РАШИДОВ, Р. ТОЖИЕВ, Х. ХУДОЙНАЗАРОВ, Т. ШИРИНКҲУЛОВ, С. ҚОДИРОВ, Э. ҚОСИМОВ. Тиббиёт. С.АРИФОВ, С. БАХРОМОВ, Ў. Б. ЗОКИРОВ, Ш. И. КАРИМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, Ш. Ш. ШОВАҲОБОВ, Н. Х-ШОМИРЗАЕВ, Э. Й.ҚОСИМОВ. Тилшунослик. А. АБДУАЗИЗОВ, А. ДАВЛЕТОВ, Н. МАХМУДОВ, М. МИРТОЖИЕВ, А. НУРМОНОВ, Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ. Фалсафа. Ў. АВИЛОВ, Х. АЛИҚУЛОВ, А. М. ЖАЛОЛОВ, Қ. Н. НАЗАРОВ, Б. О. ТЎРАЕВ, М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ғ. Б. ШОУМАРОВ, М. ҚОДИРОВ. Физика. К. МУКИМОВ, Э. НАЗИРОВ, А. С. НУЪМОНХЎЖАЕВ, Ў. Х. РАСУЛОВ, Н. Й.ТЎРАЕВ, К- Ғ. ҒУЛОМОВ, П. Қ. ҲАБИБУЛЛАЕВ. Халқаро муносабатлар ва сиёсатшунослик. Ш. М. АБДУЛЛАЕВ, Р. З. ЖУМАЕВ, В. С. КИМ, М. Х. РАҲМОНҚУЛОВ, А. Х. САИДОВ, И. К. ФОЗИЛХЎЖАЕВА, А. М. КОСИМОВ. Қишлоқ хўжалиги. Б.Ж.АЗИМОВ, Ш. АКМАЛХОНОВ, С.Н. АЛИМУҲАМЕДОВ, Х. БЎРИЕВ, У. НОСИРОВ, Ш.НУРМАТОВ, А.ЭРМАТОВ. Ҳуқуқ. Ғ. А. АБДУМАЖИДОВ, Й. О. ЖЎРАЕВ, А. ИНОЯТОВ, Э. Х. НОРБЎТАЕВ, Х. Р. РАҲМОНҚ.УЛОВ, А. С. ТУРСУНОВ, А. ТЎЛАҒАНОВ, М. М. ФАЙЗИЕВ.

* Бош тахрир хайъати аъзолари рўйхатга киритилмади.

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор — Н.ТЎХЛИЕВ.

Маданият ва санъат илмий тахририяти. М.

АШИРОВА

Директор ўринбосарлари — Д. А. ШОРАҲМЕДОВ,

(мудир), Ш. АЛИМОВА, О. БЕКОВ, М.

ҒАФФОРОВА (етак-

чи илмий муҳаррирлар).

М. Н. АМИНОВ.

Тарих илмий тахририяти. Г. ХЎЖАЕВА

Масъул котиб — Ф. ХАСАНОВ.

(етакчи илмий му-

Илмий-методика ва сўзлик бўлими. М.ИСЛОМБЕКОВА харрир), И. МЕЛИКУЛОВА (1-тоифали илмий муҳаррир).

(етакчи илмий муҳаррир), С. МИРЗАБЕКОВА (1-тоифали Хил ва адабиёт илмий тахририяти.

А.МАДВАЛИЕВ (му-

илмий му'аррир), Ф. ШАМСИЕВА, З. ҒУЛОМОВА дир); Х.АБДИЕВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

(2-тоифали илмий муҳдррирлар) v_UDno Фалсафа ва ҳуқуқ илмий тахририяти. С.МУСАЕВ (мудир),

^xs&s^iss&fszs?

рБАРАТОВ

ПОВ (етакчи илмий муҳаррирлар).

География ва геология илмий тахририяти. А.АБДУРАХИ-МОВ (мудир), Х.АЛИМУХАМЕДОВА, А.МЕЛИКУЛОВ РАСУЛОВА

@^3TM' ""*TeTMt11TM ^ ^ттТмТЛК

Э.ИНОҒОМОВ (мудир), М. МИРБОБОЕВ М

(етакчи илмий муҳаррирлар), И.КАРИМОВ (1-тоифали муҳдррирлар^Х.ПУЛАТХУЖАЕВ (1-тоифали

(етакчи илмий

илмий муҳаррир).

шмШ муҳаррир), Ж.ЮНУСОВ (2-тоифали

илмий муҳаррир).

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий тахририяти. Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими. И.Р.ҲОДИЕВ

С. ХОЛНАЗАРОВ (мудир), И. АБДУЛЛАЕВА, Л. РАХМАТОВ (бошлик), А.БУРҲОНОВ (бош рассом),

М.ОЛИМОВ (етак-

(1-тоифали илмий муҳаррирлар), С. ЙЎЛДОШЕВ (2-тоифа-чи техник муҳаррир), А. ЭГАМБЕРДИЕВ (етакчи илмий ли илмий муҳаррир). муҳаррир), А.ЁҚУБЖОНОВ (етакчи илмий программист),
Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти. А.СУЛАЙМОНОВ (суратчи),
М.АБДУЛЛАЕВА, С. ИСЛО-
А.МАЖИДОВ (мудир), С.ТОИРОВ (етакчи илмий муҳаррир). МОВА, Д. ХАСАНОВА (операторлар).

М

МИРИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Очилдимурод Неъматилла ўғли) (1830 — Каттакўрғон—1899) — шоир ва хат-тот. Каттакўрғондаги Накибхўжа ва Бу-хоро мадрасаларида ўқиган. Калликўрғон мавзеида қозилик қилган (1888). М.нинг мукамал девони, иккита баё-зи, қатор эпик асарлари сақланган. М. ижодининг асосий қисмини унинг дос-тонлари эгаллайди. «Раъно ва Зебо» (1884) достонини форсийда ёзган. М. тарихий воқеалар асосида романтик услубда «Қиссаи Салим Жавҳарий» (1887), «Рустам ва Сухроб» (1898), «Мажиддин ва Фахрунисо» (1899) достонларида адолатли тузум, фаровон турмуш, комил инсон ҳақидаги илғор фикрлари акс этган. «Гулнома», «Чой-нома» каби маснавийларида ҳаёт ҳақидаги фалсафий-эстетик қарашла-ри ўз ифодасини топган.

М. Фирдавсий «Шоҳномаси»нинг бир қисмини ва Ҳусайн Воиз Коши-фийнинг «Анвори Сухайлий» асарини шеърӣ йўлда туркийга таржима қилган. Навоӣ, Жомӣ, Саъдий ва б. шоирларнинг айрим асарларини насх ва настаълик хатларида кўчир-ган.

М. ғазалларида ҳаёт зиддиятлари, тур-мушдаги тартибсизликлар, ноҳақлик-ларни тасвирлаган. Ҳажвий шеърлари-да эса риёкор қозилар ва миршаблар-ни фош этган. Шоир лирикаси, ҳаж-виёти ва эпик асарлари юксак бадӣй хусусиятлари б-н ажралиб туради. М. асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшу-нослик ин-ти, СамДУнинг асосий ку-тубхонаси фондларида сақланади.

Ас: Танланган асарлар, Т., 1965.

Ад.: Абдуллаев В., Валихўжаев Б., Мирий ва унинг замондошлари, Т., 1977; Орзибеков Р., Мирий. XIX аср ўзбек адабиёти тарихига дойр материаллар, Самарканд, 1985.

Бегали Қосимов.

МИРИЙ, Шоик (тахаллуси; асл исм-шарифи Мираҳмадхон Мирабдурахмон ўғли) (1833 - Тошкент -1916) - шоир, хаттот, таржимон. Марғилон ва Бухорода ўқиган. Тошкент мадрасаларида мударрислик қилиб араб ва форс тилларидан дарё берган, шогирдлари-га настаълик ва насх хатларини ўргатган. Ўзбек, араб ва форс тилларида ижод қилган. Бедил ғазалларига мухам-маслар боғлаган. Шеърларининг кўпчи-лиги анъанавӣй ишқӣй мавзуда («Эй жамолнинг шавқидин...», «Ётдим адам саҳросида...»). Айниқса, 20-а. бошларида кам ёзилган таърих устаси бўлган. «Фикҳи Акбар» номли арабча асари «Икди дурашарҳи фикҳ ал-Акбар» номи б-н шеърӣ таржима қилиб (1898), Тошкентда 1908 й.да чоп эт-тирган. Шеърлари турли баёзларда ва Мўминжон Муҳаммаджонов — Тошқиннинг «Тошкентлик ва Тошкентда бўлган ўзбек шоирларининг тар-жимаи хрллари» китобида учрайди.

Ад.: Муродов А., Ўрта Осиё хаттот-лик санъати тарихидан, Т., 1971.

МИРКАРИМ ОСИМ (1907 - Тошкент — 1984) — ёзувчи ва таржимон. Ўзбе-кистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1944), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977). Дастлаб эски мактабда, сўнгра «Шамс ул-урфон» бошланғич мактаби (1917—20), Нари-монов номидаги таълим ва тарбия тех-никуми (1921—24)да тахсил олган. Мос-квадаги Бубнов номидаги педагогика ин-тини тугатган (1926—30). Самарқандда ўқитувчилар тайёрлаш курсида дарё берган (1930). Давлат нашриётида муҳаррир (1931), Тошкент Пед. фанла-ри и. т. ин-тида илмӣй ходим (1932—49), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир (1959-72).

«Янги арик» илк қиссаси (1925) Қўқон хонлигини идеаллаштирган асар сифатида босилмай қолган. М.О. 1935—36 й.ларга келиб шеър ёза бош-лаган. Дастлабки йирик асари — «Аст-робод» тарихӣй қиссаси Алишер Навоӣ ҳаётига бағишланган. Шундан кейин у Навоӣ ҳақида туркум қисса ва ҳикоялар ёзган (1937—40). М.О. Ўрта Осиё халқлари тарихининг энг қад. дав-ридан 1917 й.га қадар кечган вақт ичида ўтган муҳим тарихӣй воқеаларни ва шу даврда яшаган ўзбек халқи улуг сий-молари ҳаётини акс эттирувчи ўнлаб қисса ва ҳикоялар муаллифи. «Тўма-рис», «Широқ», «Искандар ва Спи-тамен», «Темур Малик», «Маҳмуд Торобий», «Ўтрор» каби қиссаларида аждодл аримизнинг хорижий истилочи-ларга қарши муста-қиллик учун олиб борган кураши тас-вирланган. М.О. ўз

асарларида Амир Темур, Улуғбек, Ал-Хоразмӣй, Беруний, Ибн Сино, Маш-раб сингари ўзбек халқи улуг фарзанд-ларининг ёрқин образларини яратиб берган. Унинг «Зулмат ичра нур», «Аж-додлар қиссаси», «Жайхун устида бу-лутлар», «Алжабрнинг тутилиши», «Ибн Сино қиссаси», «Синган сетор» сингари асарлари ўзбек тарихӣй қис-сачилигининг юксак намуналаридан-дир.

М.О.нинг тарихӣй қисса ва ҳикоя-ларига хос асосӣй фазилатлар уларда тарихӣй ҳақиқат б-н бадӣй тўқима-нинг ўзаро ўйғунлиги, тарихӣй шаҳе образининг тарихӣй давр фонида яра-тилганлиги, халқпарварлик ва ватан-парварлик ғояларининг бу асарлар оша «кизил ип» ўларок ўтганлиги ҳамда бадӣй тил ва услубнинг соддалиги, ширалилиги, ўзбекона-лигидир.

М.Шолоховнинг «Тинч оқар Дон» (2-китоб), С. Бородиннинг «Елдириш Бо-язид» романлари ва Л.Г.Батнинг «аёт бўстони» қиссаси ва б. асарларни ўзбек тилига таржима қилган. «Буюк хизмат-лари учун» ордени б-н мукофотланган (2002).

Ас: Карвон йўлларида, Т., 1987.

Ад.: Норкулов Н., Сатторов М., Миркарим Осим, Т., 1977.

Наши Каримов.

МИРКАРИМОВА Қундуз (1928.8.3, Тошкент) — раққоса, балетмейстер ва педагог. Ўзбекистон халқартисти (1966). Тамарахоним номидаги балет мактаби-да таълим олган (1937—41), Катта театр (Москва) кршидаги хореография билим юртини тугатган (1951). Янгийул мусиқали драма ва комедия театрида

МИРКОМИЛБОЙ

Ку^ндуз Миркари-мова («Пилла» рақ,⁻си).

(1943-46), Му-қимий театр и да (1946-49), На-войи театрида (J 95 1 -53), Ўзбекистон дав-лат филармони-ясида (1953 — 56) якка раққо-са. «Баҳор» ан-самблида якка раққоса ва педагог-репетитор (1957—67), бадий раҳбар (1979—88), Тошкент давлат миллий рақе ва хореография олий мактабида педагог (1964-79 ва 1988 й.дан; 1996 й.дан проф.). М. ижросидаги рақслар самимий, нафис ва жозибадорлиги, ҳаракатлари шўх ва жўшқинлиги б-н ажралиб тура-ди. «Ғайратли қиз», «Қатта ўйин», «Хо-размча рақс», «Уйгурча рақс», «Роҳат», «Жонон», «Най навоси», «Баҳор тон-ги», «Танавор», «Занг ўйин», «Помир-ча рақс», «Дилдор», «Гулрух», «Гулноз» каби мумтоз, халқ, замонавий ва б. халқлар рақсини маҳорат б-н ижро эт-ган.

Шуниингдек, у мақом куйларига тушган рақслари б-н машҳур.

Балетмейстер сифатида ўзбек рақс санъатининг энг яхши анъаналарини ривожлантирди. У мумтоз, халқ ва замонавий рақсларни саҳналаштирган. «Хотира», «Она қалби» композицияла-ри, «Мустазод», «Занг», «Ўзбекистан қизлари», «Наврўз», «Доира рақси», «Танавор 2», «Танавор 3», «Сийнахи-роҳ», «Сурнай навоси». «Эй сарви ра-вон», «Ўзбек миниатюриси», «Хамса», «Қатта бухорча» каби оммавий, «Насри сегоҳ», «Савти муножот», «Тоғ қизи», «Дилхирож», «Ўрик гуллаган-да», «Нурхон», «Ўйна, ўйна Гулнора» каби якка рақслари ўзбек хореография-сининг олтин фондидан ўрин олган. Бир қанча чет давлатлар (Франция, Япония, Австрия, Хиндистон, Судан, Ливия, Миср ва б.)да гастролда бўлган. «Дўстлик» (1997) ордени ва «Шухрат» медали (1994) б-н мукофотланган. МИРКОМИЛБОЙ, Миркомил Мирмўминбоев (1882 — Андижон — 1918) — узбек саноатчиси. «Рус-Осиё» («Русско-Азиатский») банки му-ассисларидан бири. М.нинг Андижон-да 5 та пахта з-ди, бир неча шаҳарда савдо расталари, боғлари, катта ерла-ри булиб, олтин пул ҳисобида 14 млн.

сўм маблагга эга эди (1911). М. Туркистон ва Европа мамлакатлари ўртасида савдо муносабатига асос солганлардан бири ҳисобланади. У Германиянинг Шлосберг, Крафт фирмалари б-н савдо алоқаси ўрнатган, Берлин, Лондон, Париж ва Истанбулга бориб, маҳал-лий саноатчилар б-н савдо иштини йўлга қўйишга интиланган. М. Андижон ш.да 30 ўқувчига мўлжалланган интернат мактаб, 100 талабага мўлжаллан-ган Мадраса, касалхона қурмоқчи бўлиб, лойиҳа тайёрлатган. Бироқ ма-ҳаллий маъмурлар бу лойиҳаларни амалга оширишга руҳсат бермаган. М. «Шурай ислом» ташкилотининг Андижон бўлимига раҳбарлик қилган (1918) ва жадидларни моддий жиҳат-дан қўллаб-қувватлаб турган. Больше-виклар томонидан отиб ташланган.

Сирожиддин Аҳмедов.

МИРКОМИЛОВ Тўлқин Миромило-вич (1939.30.6, Тошкент) — кимёгар олим, Ўзбекистан ФА акад. (1995). Техника фанлари д-ри (1983), проф. (1985). Тошкент политехника ин-тини тугат-ган (1962), шу ин-т кимё кафедраси мудири (1973—92), Тошкент кимё-тех-нология ин-ти рек-тори (1992—94). Тошкент техника ун-ти ректори (1994-2001), про-ректори (2001 й.дан). М.нинг ил-мий ишлари эколо-гик тоза технологи-яларни ишлаб чи-қиш, пахта саноати чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда пласт-массаларнинг янги турларини олишга бағишлаган. Унинг раҳбарлигида тар-кибида целлюлоза бўлган хом ашёлар-нинг тузилиши б-н уларнинг хоссала-ри орасида ўзаро боғлиқлик борлиги тўғрисидаги назария; сорбитлар, ионитлар ва физиологик фаол поли-мерлар олиш мақсадида целлюлозани қўп функционал кислоталар б-н мо-дификациялаш усуллари; таркибида целлюлоза бўлган саноат чиқиндила-ридан юқори сифатли целлюлоза олиш технологияси ишлаб чиқилди. Янги олигомерлар ва полимерлар олинди ҳамда уларнинг қўлланиши соқалари аниё^ланди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси де-путати.

Ас: Технология хлопковой целлюлозы., Т., 1996; ЯМР— Спектроскопия высокого разрешения полисахаридов и их производных (Т. И.Усмонов б-н ҳамкорликда),

Т., 1994; Химия и технология получения пиридиновых оснований(С. М. Туробжонов б-н ҳамкорликда), Т., 1998.

МИРМУҲАМЕДОВ Қодир Мирқоси-мович (1920.10.12, Тошкент) — тар-жимон ва киносценарийчи.

Ўзбекис-тонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1999), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1981). 2-жаҳрн уру-ши катнашчиси. Тошкентдаги кечки педагогика ин-тини тугатган (1950). Ўзбекистан радиоқўмитасида катта муҳаррир (1956—58). Ўзбекистан теле-видениеси адабиёт таҳририятида бош муҳаррир (1958—59). Ғафур Ғулом но-мидаги нашриётда таржима бўлими бошлиғи (1959—61), «Ўзбекфильм» киностудиясида сценарий бўлимида муҳаррир, дубляж гуруҳида бош муҳар-рир ва бадий раҳбар (1961—89). М. тар-жимонлик фаолиятини 1951 й.да бо-лалар учун эртақ ва ҳикоялар таржима қилишдан бошлаган. Биринчи йирик таржимаси индонез ёзувчиси Абдул Муиснинг «Сурапати» (1958) романи-дир. Шундан кейин у жаҳонга таникли ёзувчилар Жек Лондоннинг «Мартин Идеи» (1968), Рабиндранат Тагорнинг «Хонадон ва жаҳон», «Сўнгги дoston» (1973). Максим Горькийнинг «Клим Самгиннинг ҳаёти» (2, 3-қисм, 1974— 75), Кришан Чандарнинг «Бир қизга минг ошиқ» (1976), Ж. Боккаччонинг «Декамерон» (1978—79), Виктор Гю-гонинг «Бюг Жаргаль» (1982), М. Бул-гаковнинг «Уста ва Маргарита» (1987), Гомернинг «Илиада» (1988) асарлари-ни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган. М. булардан ташқари, чет эл ёзувчиларининг қатор драмаларини, қўплаб, бадий фильмларни ҳам ўзбек тилига таржима қилган. МИРМУҲСИН Мирсаидов (1921.3.5, Тошкент) — шоир ва ёзувчи. Ўзбекистан халқ ёзувчиси (1981). Ўзбе-кистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1942). Республика радиоқўмитасида муҳаррир (1944—46), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби

(1947—61), «Кизил Узбекистон» газ.да бўлим мудири (1961—63), «Шарк юлдузи» (1950-60, 1972-81), «Муштум» (1963-71), «Гулистон» (1982-94) жур.ларининг бош муҳаррири. Даст-лаб шоир сифатида танилган. Илк дос-тони «Қамар» 1938 й.данашр этилган. «Вафо» (1944), «Қишлоқдон дўстлар» (1948), «Фарғона» (1951), «Ватандош-лар» (1952), «Ирмоқлар» (1959), «Қалб ва фалсафа» (1960), «Шеърлар» (1964)

МИРОН

ва б. шеърӣ тўп-ламлар муаллифи. «Уста Ғиёс» (1946), «Дўнан», «Яшил кишлок» (1948), «Широк.» (1969), «Невара», «Авесто» (1970) каби дос-тонларида замон-дошларимиз ва та-рихий қаҳрамонлар сиймоси чизилган. Биринчи ўзбек шеърӣ романи «Зиёд ва Адиба» (1954) М. қаламига мансуб. Шеър ва дostonлари образ, тасвирий воситалари ҳамда тили жиҳатидан содда ва раvонлиги, ҳаётӣйлиги б-н ажралиб туради. Илк насрий қиссаси «Жамила» 1956 й.да эълон қилинган. «Оқ мармар» (1957), «Чўри» (1962), «Тунги чақмоқлар» (1964) қиссалари тарихий мавзу-да, «Араб ҳикоялари» (1960), «Чодра-ли аёл» (1979) қиссалари хорижий мамлакатларга сафар таассуротлари асосида яратилган. Қиссаларида зулм-истибодга қарши курашган мард, оли-жаноб, жасур қаҳрамонлар сиймоси тасвирланган. М.нинг «Чиникиш» (1969), «Дегрез ўғли» (1972), «Чотқол йўлбарси» (1977) романлари ўзбек иш-чиларининг ҳаёти ва меҳнатига бағишланган. «Умид» (1969) романида илм кишилари, пахташунос олимларнинг заҳматли изланишлари ва кураши тур-ли зиддиятлар, мураккаб тўқнашувлар воситасида ҳаётӣй гавдалантирилган. М. романларидаги Алижон, Умид, Ҳафи-за, Арслон, Субҳия каби образлар ба-дий психологизми, содда ва самимий, ҳаётӣй бўёқларда чизилганлиги, оли-жаноблиги б-н ажралиб туради. М. ижодида тарихий мавзу муҳим ўрин эгаллаган. «Меъмор» (1974) романида Темурийлар даври меъморлиги анъа-налари, истеъдодли меъмор-санъаткор Нажмиддин Бухорийнинг фожиали қисмати ёритилган. «Темур Малик» (1986) романида мўғул босқинчиларига қарши мардона курашган буюк қаҳра-монлар — саркарда Темур Малик ва султон Жалолиддин Мангубердилар-нинг жанговар образлари ёрқин акс эттирилган. М. нинг «Илдизлар ва япроқлар» (1982), «Илон учи» (1995), «Турон маликаси» (1997) романлари ҳам бор. М. болалар учун ҳам кўплаб шеър ва дostonлар, ҳикоялар яратган («Шералининг мардлиги», «Овчи болалар», «Ўлукмон ва Ўроқбой» ва б.). Асарлари кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати

(1974), «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998).

Ас: Сайланма [4 ж.], Т., 1981-85;

Ад.: Насриддинов Ф., Мирмуҳсин, Т., 1972; Норматов У., Абдуллаев О., Ижоднинг кўш қаноти, Т., 1981.

Ортиқбой Абдуллаев.

МИРМУҲСИН (тахаллуси; асл исм-шарифи Шермуҳамедов Мирмуҳсин) (1895 — Тошкент — 1929.4.8) — журналист, ёзувчи. Ўзбек матбуотининг асосчиларидан бири.

1916—17 й.ларда Уфадаги «Олия» мадрасасида ўқиган. 1917 й. Тошкентга қайтган. 1917 й. Фев. инқилоби муноса-бати б-н «Турон» газ.га ёзган «Тарихий икки воқеа» мақоласи катта жанжалга сабаб булган.

Себзор

қозикалони ҳукми б-н М.га ўлим жа-зоси берилади. Лекин бу ҳукм қамок жазоси б-н алмаштирилади. М. қамок-дан қочиб, Уфага кетади. Фуқаролар уруши бошланиб кетгач, М. Шарқий фронтнинг 1 — 5-армиялари сиёсий бўлимида жангчи-журналист сифатида хизмат қилади. 1920 й.нинг бошларида Тошкентга қайтиб, дастлаб «Иштиро-киюн», сўнг «Қизил байроқ», «Туркис-тон» ва б. газ.ларда муҳаррирлик қила-ди. М.нинг ҳозирча маълум шеърлари 700 мисра атрофида. Бундан ташқари, у ҳикоялар, мақолалар ёзган. «Бефар-занд Очилдибой» (1914) номли биринчи ўзбек романи муаллифи. Адиб илм-маърифат орқали ҳамма одамлар бахт-ли, ҳаёт эса фаровон бўлишига астой-дил ишонади, «авом»ни илм олишга даъват этади («Миллий адабиёт», «Аҳволи одамдин бир намуна», «Адабиёт» ва б.). Халқнинг оғир ва машақ-қатли, фожиага тудат турмушини тас-вирлайди («Ашъор», «Бизни»). М.нинг «Йигирманчи асрда Туркистон бобой», «Зиндон» (1914) каби ҳикояларида та-раққиётдан орқада қолган Туркистон киёфаси, идора усулига оид қарашла-ри баён этилган. У инқилобнинг даст-лабки йилларида шуруларга ишонган, улар тарафида туриб курашган эди. Бироқ, шовинизмнинг «йўқсуллик» рангига буялиб, янада кескинроқ тус олгани, миллий-диний қадриятлар-нинг оёқости қилингани М. умидлари-ни пучга чиқарди. Мақолаларидаги қувонч ва кўтаринки рух йўқолиб, умидсизлик кучайиб борди, алданган-нини чуқур ҳис этди ва булар охир-оқибатда ҳаётининг бевақт, фожиали якунланишига олиб келди.

Ад.: Ёдгоров Ҳ., Нурли йўл, Т., 1968; Мели Жўра, Умрим дафтари, Т., 1970; Қосимов Б., Мирмуҳсин Шермуҳаме-дов, Т., 1967; Исёнкор қалб, Т., 1985.

Бегали Қосимов.

МИРОБ — сув тақсимоти ва суғо-риш тармоқларини назорат қилувчи шахс. Қадимдан Ўрта Осиёда дарё во-дийлари ва деҳқончилик воҳаларида суғориш тармоқларининг бош тўғон-ларини тиклаш, соҳиллар бўйлаб дам-балар ўрнатиш, суғориш тармоқла-рини лойқадан тозалаш, сувни навбат б-н тақсимлаш, ортиқча сув ва за-хобларни захкашлар орқали партов-ларга чиқариб юбориш каби барча сув хўжалиги ишлари ирригация ва ме-лиорацияни яхши билган тажрибали соҳибкорлар бошчилигида амалга оширилган. Ўрта Осиё хонликларида махсус М.лик лавозимлари бўлган. Мае, Бухоро ва Хива хонликларида 16— 18-а.ларда бош вазир (оталиқ), давлат назоратчиси (мирохур) каби олий мансабдор шахслар хонликнинг бош М. и унвонига эга бўлишган. Бош суғориш тармоғи — каналдан асосий суғориш тармоқлари (катта ариқлар) га мироббоши, катта ариқлардан қишлоқ ариқларига ариқ оксоқоли («арбоб»), қишлоқ ариқларидан шоҳ-арик ва даҳаналарга қишлоқ М.и («жўйбонлар») сув тақсимотига масъ-ул бўлган. М.лик авлоддан-авлодга ўтган. Мироббоши хизмат ҳақи учун давлат хазинасидан маош олган. Ҳар йили кузда шоҳариклар М.лари деҳ-қонлардан ҳосилдан маҳсулот ҳисо-бида 1— 2 ғалвир ғалла («миробона») ундирар эди. Ҳоз. магистрал канал-лар бошқармаларида хўжаликларга сув тақсимотини назорат қилувчи гидротехник.

Ад., Муҳам маджонов А., Ўзбекис-тоннинг қадимги гидротехника иншоотлари, Т., 1997.

Машариф Бокиев.

МИРОН (Μιρον, мил. ав. 5-а.) — юнон ҳайкалтароши, илк классика-нинг йирик намояндаси. Афинада ишлаган. М. асарларида инсон танаси гўзаллигини ҳаракат б-н уйғунликда тасвирлаган. М. асарлари (асосан, брон-задан ишланган) сақланмаган, улар ҳақида қад. муаллифларнинг ёзмалари ва Римда мармардан ишланган нусха-лари орқалигина тасаввурга эга бўла-миз. «Диск иргитувчи», «Афина ва Марсий» гуруҳи ва б. М. торовтика устаси бўлган, бўртма тасвири кубок-лар ишлаган.